

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРБАЕВ ТЕМУР ТУРАЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АНОРЕКТАЛ МАЛФОРМАЦИЯНИНГ ОҚМАЛИ  
ШАКЛЛАРИДА БИРЛАМЧИ-РАДИКАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Нарбаев Темур Тураевич**

Болаларда аноректал мальформациянинг  
оқмали шаклларида бирламчи-радикал  
операцияларни такомиллаштириш..... 3

**Нарбаев Темур Тураевич**

Совершенствование первично-радикальных  
операций при свищевых формах  
аноректальной мальформации у детей..... 37

**Narbaev Temur Turaevich**

Improvement of primary radical operations  
in fistulous forms of anorectal malformation in children..... 69

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 73

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАРБАЕВ ТЕМУР ТУРАЕВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АНОРЕКТАЛ МАЛФОРМАЦИЯНИНГ ОҚМАЛИ  
ШАКЛЛАРИДА БИРЛАМЧИ-РАДИКАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2019.3.DSc/Tib250 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Алиев Махмуджон Муслимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Смирнов Алексей Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (РФ)

**Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эргашев Бахтиер Бердалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **С.Д. Асфендияров номидаги Қозоқистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Ташкент шаҳар, Яшнабад туман, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил Ташкент шаҳар, Яшнабад туман, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.М. Қурбонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Ш. Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати:** Аноректал малформациялар (АРМ) болаларда кенг тарқалган туғма аномалиялардан биридир. Сўнги йилларда АРМ билан касалланиш камаймади ва турли муаллифларнинг фикрига кўра 1: 4000- 5000 тирик туғилган чақалоқларга туғри келади. Оқмали шакллар оқмасизларга қараганда анча кенг тарқалган бўлиб, АРМнинг умумий салмоғи 71% ни ташкил қилади, уларнинг тахминан 50% қизлардир. Ўғил болаларда атрезиянинг ректоуретрал окмаси, қизларда-ректовестибуляр оқма кўпроқ учрайди. ЖССТ халқаро реестрига кўра, АРМ бўлган болаларда ўлим даражаси 4 дан 29% гача. Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ассамблеясининг 63-сессияси (2010 й.) томонидан қабул қилинган туғма нуқсонлар тўғрисидаги резолюцияда аъзо давлатлар бирламчи профилактикани тарғиб қилиш, туғилишнинг асосий нуқсонлари бўйича тадқиқотларни кучайтириш, уларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва шу билан туғма аномалияли болалар соғлиғини яхшилашга келишиб олдилар<sup>1</sup>.

Ўрганилаётган туғма нуқсонни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва болалар колопроктологиясининг тулиқ ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Буни ушбу беморларни даволаш тактикаси ва усули танловига бағишланган кўплаб ишларда катта эътибор берилиши гувоҳлик қилади. Малформацияларни аниқ ташхислаш, операциядан олдин тайерлаш ва даволаш тактикасини танлаш масалалари бўйича умумий келишилган фикр йўқлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу ўз навбатида кўплаб амалиётчиларнинг диагностик, тактик ва техник хатоларга йўл қўйишига олиб келади.

Бирламчи жарроҳлик коррекциясини муваффақиятсиз натижалари билан дастлабки шикастланишига қараганда, аноректал соҳанинг, атрофидаги аъзолар ва тўқималарнинг иккиламчи, кўпинча мураккаброқ асоратлар кузатилади. АРМни даволашнинг қониқарсиз натижалари юқори бўлиб қоламоқда ва 10-60% ни ташкил қилади. Аноректал аномалияларни бирламчи жарроҳлик йўли билан тузатишнинг қулай функционал натижаларига ҳисса қўшмайдиган жиддий қўшимча муаммолар қўшни органларнинг, асосан сийдик ажратиш тизимининг биргаликда зарарланишидан келиб чиқади. Операцияларга кўрсатмалар, уларни амалга ошириш вақти, жарроҳлик аралашувлар ҳажми, такрорий операцион жараенларни самарадорлигини баҳолаш - маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан муҳокама қилинадиган мавзу бўлиб қолмоқда<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, илмий-тиббий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, болаларда АРМ даволашнинг узок тарихига қарамай, аноректал нуқсонли болаларни даволаш муаммоси болалар жарроҳлари орасида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Аноректал аномалияларни даволашда уларни коррекция қилишда кўплаб усуллари таклиф қилинган, аммо жарроҳлик тузатишнинг маъқул даври ва АРМ турли

<sup>1</sup> World Health Organization. Congenital anomalies. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/birth-defects>

<sup>2</sup> Pena A, Levitt M.A. /Anorectal Malformations. In Pediatric Surgery. - Philadelphia: Mosby Elsevier, 2006.

шакллари учун операциялар усуллари тўғрисида фикрлар ҳали ҳам қарама-қарши. Аноректал нуқсонли болаларни операциядан кейинги реабилитация қилиш масалалари мунозарали бўлиб қолмоқда ва тўлиқ ўрганилмаган<sup>3</sup>.

Диссертация тадқиқотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 5590-сонли қарори билан белгиланган вазифаларни бажариш мақсад қилиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сонли қарори "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ 3440-сонли қарори "2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш доирасида 2022 йил 28 январдаги № ПҚ-60-сонли қарори "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси"нинг асосий мақсадига, шунингдек тиббиёт соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларга эришиш..."<sup>4</sup>. Ушбу вазифалар асосида болаларда аноректал нуқсонларнинг оқмали шакллари учун бирламчи-радикал операцияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш айниқса муҳимдир.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикасида самарали амалга оширилаётган Соғлиқни сақлаш ислохотлари, фан ва техника тараққиётининг устувор йўналиши: VI "Тиббиёт ва фармакология" га мос равишда олиб борилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Болаларда аноректал нуқсонларнинг оқмали шакллари бирламчи-радикал аралашувлар усулини танлаш орқали жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор илмий марказларида ва олий ўқув юртларида утказилмоқда, шу жумладан: Калифорния университети (АҚШ); Шлезвиг-Голштейн университети касалхонасида (Германия) амалга оширилади; Қирол London коллежи Сан-Паулу университети (Буюк Британия); Michigan университети; Вашингтон университети, Корнелл университети; Louisville университети (Германия); Sichuan университети (Хитой); Вита-Salute университети, Pavia университети (Италия); Santa-Katarina Federal университети (Бразилия); Sidney университети (Австралия); Освалдо Круз университети (Бразилия); Sidney университети (Австралия); Освалдо Круз институти; Лвов университети,

---

<sup>3</sup> Тараканов В.А., Стрюковский А.Е., Старченко В.М., и др. Послеоперационная реабилитация детей, перенёвших операции на толстой кишке и аноректальной зоне.// Кубанский научный медицинский вестник. 2018. Т. 25. № 4. С. 85-89.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28 январдаги ПФ-60-сон«2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармон.

Днепр тиббиёт Академияси, Тернополь Давлат тиббиёт университети; Украина Тиббий Стоматология Академияси (Украина); Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон); Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти (Ўзбекистон)<sup>5</sup>.

Болаларда АРМнинг окмали шаклларида бирламчи радикал операцияларни такомиллаштиришга қаратилган хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқотлар доимий равишда қуйидаги устувор масалалар бўйича олиб борилмоқда: болаларда аноректал малформацияда бирламчи-радикал операцияларнинг қониқарсиз натижаларининг частотаси ва сабабларини ўрганиш; бирламчи-радикал операцияларнинг превентив колостомия ёрдамида бир ёки икки босқичли жарроҳлик тактикасида ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; болаларда АРМ бирламчи-радикал коррекцияси тактикаси ва усулини танлашда йулдош тугма нуқсонлар ва ривожланиш аномалияларининг роли ва аҳамияти; йўғон ичакнинг анатомик ва функционал ҳолатига қараб болаларда аноректал малформациянинг пастки окмали шакллари учун модификацияланган операциялар усуллари ишлаб чиқиш; йўғон ичакнинг каудал қисми, окма, туташган органлар ва тугри ичакнинг сфинктер аппарати морфологик манзарасини ўрганиш; болаларда аноректал нуқсонларнинг окмали шакллари учун жарроҳлик усулини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш; аноректал малформациянинг паст ва юқори шакллари бўлган болаларни реабилитация қилишнинг такомиллаштирилган программасини яратиш ва амалга татбиқ қилиш<sup>6</sup>.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АРМ-бу ташқи клоака ва туғри ичакнинг сфинктер аппарати шаклланмаганлигидан иборат тугма малформация бўлиб, бу туғри ичак ва ануснинг турли хил малформациялари ва аномалияларининг шаклланишига олиб келади.

Аноректал аномалияларни жарроҳлик йўли билан тузатиш муаммоси долзарблигини йўқотмайди. Ушбу соҳадаги баъзи ютуқларга қарамай, беморларнинг ижтимоий мослашувини белгилайдиган ишончли анатомик ва функционал натижаларни берадиган усуллар ҳали ҳам мавжуд эмас, уларнинг аксарияти жиддий ногирон бўлиб қолмоқда. Болаликда аноректал патологияни даволаш тактикаси, техникаси ва усуллари такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда [Рена А.1988 й., Эргашев Н.Ш. 2018 й., Алиев М.М. 2019 й.].

Аноректал соҳада жарроҳлик аралашуви пайтида топографо-анатомик муносабатларни тиклаш ҳар доим ҳам функционал бузилишларни бартараф этмайди. Операция, ўз навбатида, аноректал соҳанинг нуқсонлари бўлган

---

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.unimelb.edu.au](http://www.unimelb.edu.au), [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.augusta.edu](http://www.augusta.edu), [www.utk.edu](http://www.utk.edu), [www.uni-leipzig.de](http://www.uni-leipzig.de), [www.nationwidechildrens.org](http://www.nationwidechildrens.org), [www.uv.es](http://www.uv.es), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.upatras.gr](http://www.upatras.gr), [www.ui.edu.ng](http://www.ui.edu.ng), [www.until.ch](http://www.until.ch), [www.lu.se](http://www.lu.se), [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)

<sup>6</sup> Турчинец А.И., Хмельницкая А.В., Сулавко Я.П., Ионов А.Л., и др. Отдаленные результаты хирургической коррекции Н-фистул у девочек при нормально сформированном анусе. //Хирургия. Журнал им. НИ Пирогова, 2021. (4), С. 39-45.

болаларни комплекс даволашда фақат бир босқичдир. Аралашув усулини тўғри танлаш ва мукамал бажариш, операциядан кейинги асоратларнинг йўқлиги, албатта, яхши функционал натижаларга эришишга ёрдам беради [Смирнов А.Н. 2018 й., Атакулов Д. О. 2017 й., Комиссаров И.А. 2019 й., Хамраев А.Ж 2021й.].

А. Репа (1984 й.) томонидан орка сагитал аноректопластика (ОрСАРП), Rizzoli (1956 й.) томонидан олди-сагиттал (ОлСАРП) ва Ребейн (Ромуалди) (1959 й.) томонидан қорин-оралик проктопластика (ҚОПП) номлари остида таклиф қилинган усуллар, бошқа муаллифлар ва уларнинг издошлари томонидан модификациялаштирилган вариантлари, аноректал аномалияларнинг деярли барча турларида кенг қўлланилади. Бироқ, тажриба тўпланиши билан ушбу усулларнинг баъзи салбий томонлари пайдо бўлди, бу эса АРМни хирургик даволашда янги, янада ривожланган ва камроқ шикастлайдиган усуллари излашни талаб қилади [Дегтярев Ю. Г., Никифоров А.Н. 2017 й.].

Узоқ муддатли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, якуний натижа асосан операциядан кейинги ва узоқ муддатли даврда реабилитация тадбирларининг сифати ва вақти билан белгиланади, бу эса янги ҳосил бўлган тугри ичакнинг нормал функциясига эришилгунга қадар узилишларсиз амалга оширилиши керак. [Шамсиев А. М. 2019 й. Отамурадов Ф.А.2022 й.].

Даволаш усулини синчковлик билан танлаш, бирламчи-радикал операциялар ва реабилитация дастурларининг илғор модификациясини ишлаб чиқиш болаларнинг асоратлари ва эрта ногиронлиги курсаткичларини сезиларли даражада камайтиради, шунингдек аноректал нуқсонларнинг окмали шакллари бўлган болаларга жарроҳлик ёрдамининг иқтисодий самарадорлигини оширади.

АРМни жарроҳлик даволашнинг кўплаб масалалари махсус ва чуқур ўрганишни талаб қилади, бу эса ушбу тадқиқотнинг асосидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши ИТД-11: "Туғма касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги технологиялари ва усуллари ишлаб чиқиш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш" давлат дастурига мос келади. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг АДСС-30,6 амалий гранти (2012-2014) "Аноректал нуқсонлари пастки шакллари булган болаларни жарроҳлик даволаш ва реабилитациясини оптималлаштириш", ва 01980006703-сонли "Болаларда туғма нуқсонларни ва орттирилган касалликлар ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштириш" илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган(2018-2022 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бирламчи-радикал аралашувлар усулини танлаш орқали болаларда АРМнинг окмали шакллари жарроҳлик йули билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда АРМнинг окмали шаклларида бирламчи-радикал жарроҳлик усулига қараб операциядан кейинги асоратларнинг тури, сонини ва сабабларини ўрганиш ва тизимлаштириш;

бирламчи-радикал операциялар натижаларининг превентив колостомия ёрдамида бир ёки икки босқичли жарроҳлик тактикасига боғлиқлигини аниқлаштириш;

болаларда АРМни окмали шаклларида бирламчи-радикал коррекцияси тактикаси ва усулини танлашда ёндош нуқсонлар ва ривожланиш аномалияларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш;

йўғон ичакнинг анатомик ва функционал ҳолатига қараб болаларда АРМнинг пастки окмали шакллари учун модификациялаштирилган жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

болаларда АРМни окмали шаклларида атрезия булган ичакнинг каудал қисми, оқма, қўшни аъзолар ва тўғри ичакнинг морфологик манзарасини ўрганиш;

болаларда АРМнинг окмали шакллари учун жарроҳлик усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

АРМнинг пастки ва юқори окмали шакллари бўлган болалар учун такомиллаштирилган реабилитация протоколинини яратиш ва амалга ошириш.

**Тадқиқот объекти сифатида** 3 ойдан 14 ёшгача аноректал малформациянинг паст ва юқори окмали шакллари бўлган 372 бола бўлиб, улар 2009 йилдан 2021 йилгача ТошПТИ клиникасининг жарроҳлик бўлимларида текширилган ва операция йули билан даволанган.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** ва вазифаларни ҳал қилиш учун аноректал малформацияга чалинган болаларда умумий қабул қилинган ва янги модификациялаштирилган жарроҳлик аралашув усулларини қўллаш таҳлили ўтказилди. Болалардаги аноректал малформациялар учун бирламчи-радикал операцияни яхшилаш учун беморлар 2 таҳлил гуруҳига бўлинган. Биринчи назорат гуруҳи 2009 дан 2015 га қадар бўлган даврда узи яшаш жойида ва клиникамизда илгари жарроҳлик аралашувлари билан қабул қилинган болалардан 137 иборат бўлиб, уларнинг натижаларига кўра АРМдаги асосий радикал операцияларнинг асоратлари таҳлил қилинди. Иккинчи асосий гуруҳ 235 боладан иборат бўлиб, 2016 йилдан 2021 йилгача операция қилинган, фақат бизнинг клиникамизда улар учун детерминаланган танлов ва АРМ коррекциясининг янги модификациялаштирилган усуллари амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Барча болалар умумий клиник текширув усуллари билан бир қаторда фистулоирригография, экскретор урография, цистография, оралик(тос суяги) ултратовуш текшируви, сфинктерометрия, тугри ичак ампуласидаги босимни ўлчаш, тугри ичак ва сфинктер аппарати дистал жойларини морфологик ўрганиш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

АРМ бор болаларда оралик ва қорин-оралик проктопластика операцияларининг қониқарсиз натижалари сабаблари аниқлаштирилган ва тизимлаштирилган;

АРМнинг паст ва юқори окмали шакллари бўлган болаларни хамроҳ келган аномалияларини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;

АРМнинг пастки окмали шакллари учун оралик проктопластиканинг модификациялаштирилган янги усули таклиф қилинган ва амалда қўлланилган, бу ташқи сфинктернинг мушак толаларига зарар бермасдан яхши функционал ва косметик таъсирга эришишга имкон берди;

болаларда АРМнинг окмали шакллари ичак атрезияси, окма ва қўшни органларнинг морфологик манзарасига қараб жарроҳлик тактикасига дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган;

АРМ окмали шакллари бўлган болаларда бир ёки икки босқичли операцияларни қўллаш кўрсаткичлари ва превентив колостомия зарурати исботланган.

болаларда оралик проктопластикадан кейин жарроҳлик даволаш натижалари ва анал сфинктернинг функционал ҳолатини баҳолаш учун дастурлар ишлаб чиқилган ва самарадорлиги исботланган.

ногиронлар сонини камайтириш, болалар ва ўсмирлар ўртасида такрорий тузатувчи аралашувлар кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган операция усулини танлаш алгоритми ва операциядан кейинги реабилитация тадбирлари протоколи ишлаб чиқилиб клиник амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

бирламчи-радикал аралашувларни амалга оширишда ҳисобга олиниши керак бўлган оралик ва қорин-оралик проктопластика операцияларининг қониқарсиз натижалари сабаблари аниқлаш ва тизимлаштир тавсия этилган;

болалар хирургияси (колопроктология) бўлимлари амалиётга сагитал чизикни кесмасдан бажараладиган оралик проктопластиканинг такомиллаштирилган, модификациялаштирилган усули тавсия этилган;

болалардаги аноректал нуқсонларнинг окмали шакллари учун жарроҳлик усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

асоратлар сонини камайтириш ва болалар ҳаёт сифатини яхшилаш учун комплекс реабилитация дастури ишлаб чиқилган ва тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, текширилаётган беморлар сонининг услубий тўғрилиги ва етарлилиги, тадқиқотларда қўлланиладиган замонавий қўшимча клиник, морфологик, рентгенологик, функционал, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари, болаларда АРМни жарроҳлик даволаш усуллари. Ривожланиш методикаси халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослашга асосланган бўлиб, хулоса ва натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, умумий тавсия этилган ва

модификацияланган операциялар усуллари билан амалга оширилган болаларда оралик ва қорин-оралик проктопластиканинг қониқарсиз натижалари сабабларини қиёсий таҳлил қилиш, хамроҳ нуқсонлар ва аномалиялар ривожланишни ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини ишлаб чиқишга имкон берди; оралик проктопластиканинг модификацияланган усулини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш; болаларда аноректал малформацияда ичак атрезияси, окма ва қўшни аъзоларнинг морфологик кўринишига қараб жарроҳлик тузатиш усулини танлашни аниқлаш; превентив колостомия кўрсаткичларини аниқлаш; болаларда аноректал малформациянинг оқмали шакллари учун жарроҳлик усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш; болаларда аноректал малформациянинг оқмали шаклларида бирламчи-радикал операцияларни яхшилашга қаратилган операциядан кейинги реабилитация протоколни ишлаб чиқиш билан изохланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, модификацияни жорий этиш натижалари, операциялар усулини танлаш алгоритми, превентив колостомиядан фойдаланиш, комплекс реабилитация протоколи ва жарроҳлик даволаш натижаларини баҳолаш дастури ва неоануснинг функционал ҳолати болаларда АРМда оқмали шаклларда яқин ва узок муддатли операциядан кейинги даврда асоратларни 3 барабар сонини камайтириш, рецидив ва қайта операция сонини камайтириш, иқтисодий самарадорлик даволаниш харажатларини камайтириш ва беморнинг касалхонада бўлиш муддатини (ётоқ кунларини) ўртача 5,0 кунга қисқартириш орқали намоён бўлди. Касалхонага ётқизиш ва реабилитация қилиш частотаси ва давомийлигини камайтирилди. Ногиронлик даражаси пасайтирилди ва болаларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши билан изохланди.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Болаларда АРМнинг оқмали шаклларида бирламчи-радикал операцияларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

"Болаларда аноректал малформациянинг пастги оқмали шакллари жарроҳлик йўли билан даволаш" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 апрелдаги №8 н-р/160-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиниши операциядан кейинги яқин ва узок муддатли даврда асоратлар сонини, рецидив ва реоперациялар сонини камайтириш, касалхонага ётқизиш ва реабилитация давомийлигини камайтириш имконини берган;

"Аноректал малформацияси бўлган болаларда реабилитация чоралари". услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 апрелдаги №8 н-р/161-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиниши ногиронлик даражасини пасайтириш, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодий самарадорлик шифохонада қолиш муддатини қисқартириш ва беморни касалхонада даволаш харажатларини камайтириш имконини берган;

"Болаларда аноректал нуқсонларда колостомия усулини танлаш" (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги №8 н-р/161-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиниши колостомия самарадорлигининг ошиши асоратлар сонининг 3 барабар пасайиши, қисқа

вақт ичида ичак функциясини нормаллаштириш, рецидив ва қайта операцияларнинг йўқлиги, стомасиз операция қилинган болалар билан таққослаганда, бу ётоқ кунлари сони ўртача 5,0 кунга камайтириш имконини берган;

АРМнинг окмали шаклларида бирламчи-радикал операция усулларини такомиллаштириш буйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Нукусдаги Қорақалпоғистон Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, ГКДХБ 2-сонли клиника амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги №8 н-д/122-сон маълумотномаси), Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги №305-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжумаларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та Республика миқёсидаги халқаро анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси буйича жами 45 та илмий иш чоп этилган булиб, шу жумладан 17 та журнал мақолалари (шундан 2 таси Scopus маълумотлар базасига киритилган, 1 - Web of Science), 14 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан 9 та Республикамизда ва 5та хорижий журналларда, 20 дан ортиқ тезислар, 3 та услубий тавсиянома чоп этилган. Ихтиро учун 1 та патент (IAP), электрон дастурлар учун 3 та сертификат (DGU) олинган. "Аноректал нуқсонларнинг пастги окмали шакллари бўлган болаларни жарроҳлик даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш" грант амалий тадқиқот ўтказилган (АДСС-30.6). Олинган натижалар VI Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намоиш этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** кисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратлигини асослайди, мақсад ва вазифалари, тадқиқот материали ва усулларини тавсифлайди. Тадқиқотнинг Республика фан ва техникасининг устувор йўналишлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида: **"Болаларда аноректал нуқсонларнинг этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволаш бўйича замонавий ғоялар"** (адабиётлар шарҳи) болаларда аноректал нуқсонлар бўйича замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётларни батафсил таҳлили ўтказилган. Болаларда аноректал нуқсонларнинг этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволашга

доир замонавий тушунчалар ва ечилмаган масалалар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Болаларда аноректал малформациянинг оқмали шакллари учун бирламчи-радикал операцияларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатадиган истиқболли йўналишлар аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби: "**Тадқиқот материал ва усуллари**" клиник материал ва тадқиқот усуллари, шунингдек аноректал нуқсонларнинг оқмали шакллари бўлган болаларда хамрох аномалиялар ва туғма нуқсонлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Иш 2009 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг жарроҳлик бўлимларида АРМнинг оқмали шакллари бўлган 372 нафар болани хирургик даволаш натижаларига асосланган (1-жадвалга қаранг).

**Жадвал 1**

**АРМ бўлган болаларни жинси ва ёшига қараб тақсимлаш (n=372)**

Боланинг жинси		Беморларнинг ёши (йилларда)					Жами
		0-1	1-3	4-7	8-11	12-15	
уғил болалар	абс	34	36	20	5	4	99*
	%	9,1	9,7	5,4	1,3	1,1	26,6
қиз болалар	абс	94	131	29	12	7	273*
	%	25,3	35,2	7,8	3,2	1,9	73,4
Жами	абс	128	167	49	17	11	372
	%	34,4	44,9	13,2	4,6	2,9	100%

Изоҳ: \* - Нисбатан ўғил ва қиз болалар сонининг сезиларли фарқи -  $p < 0,05$ .

Болаларда АРМ оқмали шакллариининг турлари ва учраши, Крекенбекдаги (Германия 2005 й.) "АРМни даволашда стандартларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро конференция" да болалар колопроктологларнинг консенсуси билан қабул қилинган Крекенбек таснифига мувофиқ тақдим этилган. (2-жадвалга қаранг).

**Жадвал 2**

**Аноректал нуқсонларнинг оқмали шакллари бўлган беморларни Крекенбек таснифи бўйича тақсимлаш (n=372)**

Катта клиник гуруҳлар	Болалар сони	Ноёб / маҳаллий вариантлар	Болалар сони
Перинеал фистула	81	Ректовагинал фистула	26
Вестибуляр фистула	200	Н – фистула	17
		Вестибуляр	9
		Вагинал	8
Ректоуретрал фистула	30	Бошқа шакллар: -ректоёргоқ фистула	2
Простатик	18		
Бульбар	12		
Ректовезикал фистула	16		
Жами	327		45
		372	

Диссертация тадқиқоти давомида беморлар 2 та таҳлил гуруҳига бўлинган: биринчи назорат гуруҳи 137 (36,8%) боладан иборат бўлиб, 2009 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда илгари яшаш жойларда ва бизнинг клиникамизда ўтказилган хирургик аралашувлар билан қабул қилинган, АРМ да бирламчи радикал операцияларнинг асоратлари таҳлил қилинган.(3-жадвалга қаранг).

**Жадвал 3.**

**Назорат таҳлилнинг гуруҳида бажариладиган операциялар.**

№	Операция усули	Сони	%
1.	Стоун-Бенсон оралик проктопластикаси (ОПП)	69	50,4
2.	Олд сагитал аноректопластика (ОлСАРП)	15	10,9
3.	Орка сагитал аноректопластика (ОрСАРП)	11	8
4.	Ромуальди Корин-оралик проктопластика (ҚОПП)	21	15,3
5.	Ленюшкин усулида окманинг инвагинацион бартараф этиш	7	5,1
6.	Соломон оралик проктопластикаси (ОПП)	14	10,2
Жами n=137		137	100

Иккинчи асосий гуруҳ 235 (63.2%) болалар иборат булиб 2016 йилдан 2021 йилгача булган даврида операция бизнинг клиникамизда, АРМни окмали шаклларида детерминлаштирилган ва модификациялаштирилган хирургик коррекция усулларини қулладик (4-жадвалга қаранг).

**Жадвал 4**

**Асосий таҳлил гуруҳида бажариладиган операциялар.**

№	Операция усуллари	Сони	%
1.	Стоун-Бенсон Оралик проктопластикаси (ОПП)	23	9,7
2.	Стоун-Бенсон Оралик проктопластикаси (ОПП) клиниканинг модификациясида (ихтирога патент 04799; 12/17/2013) № IAP 04799; 17.12.2013г.)	56	23,8
3.	Олд сагитал аноректопластикаси (ОлСАРП)	10	4,2
4.	Олд сагитал аноректопластикаси (ОлСАРП) А.И. Ленюшкин модификациясида	25	10,6
5.	Орка сагитал аноректопластикаси (ОрСАРП)	21	8,9
6.	Мини орка сагитал аноректопластикаси (МОрСАРП)	18	7,6
7.	Ромуальди Корин-оралик проктопластикаси (ҚОПП)	22	9,4
8.	Ленюшкин модификациясида Ромуалди-Ребейн бўйича комбинацияланган интраректал қорин-оралик проктопластикаси (ҚОПП)	37	15,7
9.	Уретрал фистулани ораликдан бартараф этиш	2	0,8
10.	Ленюшкин усулида окманинг инвагинацион бартараф этиш	4	1,7
11.	Соломон оралик проктопластикаси (ОПП)	7	3
12.	Соломон-Ленюшкин оралик проктопластикаси (ППП)	10	4,2
Жами (n= 235)		235	100

Иккала гуруҳ беморлари умумий клиник, махсус ва проктологик текширув усулларидан ўтдилар. Текширувлар доираси, шунингдек уларнинг тартиби ва кетма-кетлиги патология турига ва беморларнинг ёшига қараб аниқланди. (5-жадвалга қаранг).

**Жадвал 5**

**Текширувларнинг умумий клиник, махсус ва проктологик усуллари**

Текширув усуллари	Текширувлар сони
Умумий клиник	
Лаборатор	2472
ЭКГ(ЭХОКГ)	309
НСГ(нейросонография)	218
Рентгенография (кукрак қафаси)	129
Ички аъзоларнинг УТТ	300
Махсус	
Корин бушлиги тасфирий рентгенография	102
Ирригография (проктография)	227
Экскретор урография	37
Цистография	14
Колоноскопия (ректоскопия)	48
Проктологик	
УТТ (кичик чанок)	272
МРТ ва КТ (кичик чанок)	31
Колостография(стомография)	154
Фистулоирригография	309
Сфинктерометрия	108
Rinitala R.J. шкаласи бўйича баҳолаш	200
Морфологик текширув	37
Дефекография	13
Оқмани калибрлаш(бужлаш)	1236
Жами	6216

Аноректал малформацияга чалинган болаларни текшириш пайтида 79 (25,6%) беморда хамроҳ аномалиялар ва тугма нуқсонлар аниқланди. Ушбу гуруҳда ҳар учинчи болада битта ёки бир нечта тугма нуқсонлари ва тизимларнинг аномалиялари комбинацияси мавжудлиги аниқланди (6-жадвалга қаранг).

Жадвал 6.

**Аноректал нуқсонларни бошқа аъзолар ва тизимларнинг ривожланиш аномалиялар билан хамрохлиги.**

Тизимлар аномалияси	Ривожланиш нуқсонлар ва аномалиялар турлари			Жами
Уро-нефрологик	буйраклар аплазияси (гипоплазияси)- 2 Удвоение почек и мочеточников- 2	Туғма гидронефроз-5 Уретра стенози -2 Қовуқ сийдик найи рефлюкси-4	Мегауретер-3 Нейроген қовуқ-6	24 (30,4%)
Юрак-қон томир	Қоринчалараро туғма нуқсон-5	Булмачалараро туғма нуқсон -3	Тетрада Фалло-3	11 (13,9%)
Ошқозон-ичак	Кизилунгач атрезияси-3	Эмбрионал чурраси-2	Ледд синдроми -3	8 (10,1%)
Генитал	Крипторхизм-4 Гипоспадия-1	Вагина тусиғи-2	Вагина атрезияси-4	11 (13,9%)
Неврологик	Гидроцефалия (микроцефалия)-3	Орқа мия чурраси-4	Парезлар Плегиялар-3	10 (12,7%)
Хромосомли	Даун синдроми-4	Поланд синдроми-1	Курарино синдроми	5 (6,3%)
Сенсор	Куз аномалияси-2	Нейросенсор карлик-1	-	3 (3,8%)
Суяклар	Думгаза агенезияси - 4	Полидактилия-2	Оёқ-қўллар аплазияси -1	7 (8,9%)
Жами	30	26	23	79(100%)

Кўпроқ сийдик тизимининг хамрох патологияси 24 болада (30,4%) аниқланди: буйрак аплазияси (гипоплазияси)- 2 та, буйрак ва уретраларнинг иккиланиши - 2 та, туғма гидронефроз - 5 та, уретрал стеноз - 2 та, везикоуретерал рефлюкс - 4 та, мегауретер - 3 та, нейроген қовуқ-6 та болада.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» шахсий компьютер учун амалий дастурлар пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи бобида: "**Болаларда аноректал нуқсонларнинг оқмали шаклларида бирламчи-радикал операцияларнинг асоратларини таҳлил қилиш**", операциядан кейинги асоратларнинг сони ва турига қараб ОПП ва ҚОПП умумий қабул қилинган усулларда бажарилгандан кейинги натижалар таҳлил қилинди.

Биринчи кичик бобда "Болаларда АРМнинг оқмали шакллари учун бирламчи - радикал жарроҳлик амалиети асоратларининг сони ва турлари" ретроспектив таҳлил қилинди, 137 (36,8%) болада яшаш жойи буйича шифохоналарида ва бизнинг клиникамизда 2009 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда ўтказилган операциядан кейинги асоратлар сабаблари аниқлаштирилди. Назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий сонидан (n=137) 39 (28,5%) операция қилинган болаларда асоратлар аниқланди. Ануснинг олд

эктопияси 11 (8%) болада, 9 (6,6%) беморда тўғри ичакнинг ретракцияси, 10 (7,3%) ва 9 (6,6%) беморда окма рецидив ва сфинктердан ташқари тўғри ичакнинг чиқиши қайд этилган. (7-жадвалга қаранг).

### Жадвал 7

#### Жарроҳлик усулига қараб операциядан кейинги даврнинг асоратларининг сони ва турлари (назорат гуруҳ, n=137).

№	Асоратлар Операциялар	Олд анус эктопияси	Ичак ретракция си	Окма рецидиви	Сфинктерд ан ташқари чиқиши	Жами n= 137
1.	Стоун-Бенсон ОПП n= 69 (100%)	3(4,3%)	2(2,9%)	2(2,9%)	3(4,3%)	10(14,5%)
2.	Рена ОрСАРП n= 11(100%)	-	2(18,2%)	-	1 (9,1%)	3(27,3%)
3.	Rizolli ОлСАРП n= 15 (100%)	2(13,3%)	1(6,7%)	1(6,7%)	2(13,3%)	6(40%)
4.	Соломон ОПП n= 14 (100%)	3(21,4%)	1(7,1%)	1(7,1%)	2(14,3%)	7(50%)
5.	Ленюшкин усулида окмани инвагинацион бартараф этиш n= 7 (100%)	-	-	4(57,1%)	-	4(57,1%)
6.	Ромуалди ҚОПП ректоуретрал окмани резекцияси билан n=7 (100%)	1(14,3%)	1(14,3%)	2(28,6%)	-	4(57,1%)
7.	Ромуалди ҚОПП ректовезикал окмани резекцияси билан n=4 (100%)	1(25%)	1 (25%)	-	-	2(50%)
8.	Ромуалди ҚОПП стомали ичакнинг тушириши билан n=10 (100%)	1(10%)	1(10%)	-	1(10%)	3(30%)
Жами: n= 137		11(8%)	9(6,6%)	10(7.3%)	9(6,6 %)	39(28,5%)

Стоун-Бенсон оралик проктопластика операциясидан сўнг (n = 69) 10 (7.3%) болада асоратлар аниқланди, ануснинг олд эктопияси 3 (4.3%) да, 2 (2.9%) да тўғри ичакнинг ретракцияси, 2(2.9%) да окма рецидиви, сфинктердан ташқари чиқиши 3 (4,3%) операция қилинган болаларда топилган.

Пена ОрСАРПдан кейин (n=11) 2та (18.2%) болада тўғри ичакнинг ретракцияси, 1та (9.1%) операция қилинган болада тўғри ичакни сфинктердан ташқари жойга чиқиши каби асоратлар аниқланди.

Ризолли (n =15) томонидан ОлСАРП операцияси қилинган беморларнинг таҳлилида 6 (4,4%) болада асоратлар қайд этилди: 2 (13,3%) болада ануснинг олд эктопияси, 1 (6,7%) да тўғри ичакнинг ретракцияси, 1 (6,7%) да окмани

қайталаниши ва 2 (13,3%) болада тўғри ичакни сфинктердан ташқари жойга чиқиши.

Соломон усулида ОПП (n =14) сўнг, қуйидаги асоратлар топилди: 3 болада (21,4%) орқа чиқариш тешиги олд эктопияси, 1 (7,1%) ичак ретракцияси, 1 (7,1%) окма рецидив ва 2(1,5%) операция булган беморда тўғри ичакни сфинктердан ташқари жойга чиқиши кузатилди.

Ленюшкин (n =7) усулида окмани инвагинацион бартафр этишдан сўнг 4 (57.1%) болада операциядан кейинги эрта даврда окмани қайталаниши кузатилди.

Операциядан кейинги даврнинг бевосита натижаларини солиштирилганда, ОрСАРП операциясидан кейин болаларнинг назорат гуруҳида ичакнинг ретракцияси сезиларли даражада кўп бўлганлиги қайд этилди (18.2% v. s. 5.5% p<0.05).

Ромуалди ҚОПП усулида ректоуретрал окмасини бартафр этишдан кейин (n =7) 4 (57,1%) беморда асоратлар аниқланди: 1 (14,3%) болада ануснинг олд эктопияси, 1 (14,3%) ректуретрал ичакнинг ретракцияси ва ректуретрал окмани қайталаниши 2 (28,6%) кузатилди.

Ромуалди ҚОПП усулида ректовезикал окмасини бартафр этишдан кейин (n = 4) 2 (50%) болада асоратлар аниқланди: 1 (25%) болада ануснинг олд эктопияси ва 1 (25%) да тўғри ичакнинг ретракцияси кўринишидаги асорат аниқланди.

Операциядан кейинги узоқ даврнинг асосий асоратлари ануснинг чандикли стенози ва анал инконтиненцияси деб аниқланди (8-жадвалга қаранг).

#### Жадвал 8

#### Жарроҳлик усулига қараб операциядан кейинги узоқ давр асоратларининг сони ва турлари (назорат гуруҳ) (n=137).

№	Асоратлар	Орқа чиқариш тешиги стенози	Анал инконтиненцияси	Жами n= 137
	Операциялар			
1.	Стоун-Бенсон ОПП n= 69 (100%)	6(8,7%)	4(5,8%)	10(14,5%)
2.	Рена ОрСАРП n= 11(100%)	1(9,1%)	2(18,2%)	3(28,3%)
3.	Rizolli ОлСАРП n=15(100%)	2(13,3%)	3(20%)	5(33,3%)
4.	Соломон ОПП n= 14(100%)	2(14,3%)	2(14,3%)	4(28,6%)
5.	Ромуалди ҚОПП ректоуретрал окмани резекцияси билан n=7(100%)	1(14,2%)	1(14,2%)	2(28,5%)
6.	Ромуалди ҚОПП ректовезикал окмани резекцияси билан n=4(100%)	-	1(25%)	1(25,0%)
7.	Ромуалди ҚОПП стомали ичакнинг тушириши билан n=10(100%)	3(30%)	1(10%)	4(40%)
Жами: n= 137		15(13,0%)	14(10,2%)	29(21,2%)

Операциядан кейинги узоқ давр асоратлари частотаси ва турларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, жарроҳлик усулидан қатъий назар, узоқ

давр асоратларининг асосий тури ануснинг чандикли стенози бўлиб, у 15 (13,0%) болаларда топилган, шунингдек 14 (10,2%) болаларда анал инконтиненцияси аниқланган.

Стоун-Бенсон оралик проктопластика операциясидан кейин 69 (100%) боладан 6 (8,7%) болада ануснинг стенози ва 4 (5,8%) болада анал инконтиненция қайд этилган. Пена ОрСАРПдан кейин 11 (100%) боладан 1 (9,1%) болада анал инконтиненция ташхиси қўйилган, 2 (18,2%) болада ануснинг стенози юзага келган. Rizolli ОлСАРПни 15(100%) болада бажаргандан сўнг 2 (13,3%) болада ануснинг стенози, 3 (20%) болада анал инконтиненция кузатилган. Соломон проктопластикадан сўнг 2 (14,3%) операция қилинган болаларда ануснинг стенози, 2 (14,3%) беморда анал инконтиненция аниқланди.

Ромуалди ҚОПП ректоуретрал окмани резекциясидан сўнг, 1 (14,2%) беморда орқа чиқариш тешиги стенози ва 1 (14,2%) беморда анал инконтиненция кузатилди. Ромуалди ҚОПП ректовезикал окмани бартараф этишдан кейин, 1 (25%) болада анал инконтиненция аниқланди. Превентив стомали ичакнинг тушириш билан жинсий йўллар окмаларини бартараф этишдан сўнг, 3 (30%) беморда анус стенози ва 1 (10%) болада нажас тутаолмаслиги қайд этилди.

Операциядан кейинги узок даврнинг натижаларини такқослашда, ОПП ва ҚОПП операцияларидан кейин болаларнинг назорат гуруҳида анал инконтиненция ва анус стенози кўринишидаги асоратлар тенг миқдорда (13,1% v.s. 12,4%  $p < 0,05$ ) сезиларли даражада қайд этилганлиги аниқланди.

Иккинчи кичик бобда болалардаги аноректал нуқсонларнинг окмали шаклларида бирламчи-радикал операцияларнинг асоратлари сабаблари таҳлил қилинди. Стоун-Бенсон операциясидан кейин 6 (8,7%) болаларда анал стенози кўринишидаги асорат, операциядан кейинги эрта даврда тўғри ичакнинг олд ретраксияси оқибати бўлиб намоён даражаси тўғри пропорционал эди. 2 (2,9%) қиз болаларда операция кесими кирраларининг очилиб кетиши ва вестибуляр оқмани қайталанишига операциядан кейинги кесимнинг инфекция зарарланиши ва ичакнинг туширишдаги техник хатолар сабаб бўлган. Операциядан кейинги эрта даврда 4 (5,8%) беморда неоанус этишмовчилиги қайд этилди, бу бизнинг фикримизча, мушак деворисиз оқмани тушириш билан боғлиқ эди.

ОлСАРП (13,3%) ва ОрСАРП (18,2%) операциялардан кейин неоанус жойидан олдинга сурилиши ва оқмани қайтаналиши асоратларни юқори фоизини биз кенг кесим натижасида сфинктерни тўлиқ олд ва орқа, қисмини кесилиши билан боғлиқ деб хисоблаймиз, бу эса 22,4% чандик хосил булишига ва сфинктер функцияси камайишига олиб келди, сфинктерометрия утказилган пайтида аниқ намоён булди.


Ромуалди ҚОПП ректоуретрал оқмани резекциясидан сўнг уретра дивертикули шаклланишини олдини олиш натижасида уретрага "эхтимоли булган" зарар етказилиши қайд этилди. Кейинчалик 2 болаларда анастомоз соҳасидаги уретрал стеноз (купрок простата қисмида) бартараф этилди.

Ромуалди ҚОПП ректовезикал окмани резекциясидан кейин, ичак фистуласининг сийдик пуфаги Лиетто учбурчаги проекциясида бирикиши

булганда қисқа муддатли сийдик тутаолмаслик (10 кун), шубхасиз сийдик пуфагининг шикастланиши ва қисман денервацияси билан боғлиқдир .

Шуни таъқидлаш керакки, бизнинг фикримизча операциялар ҳар қандай усулларда бажарилганда ҳам юқорида қайд этилган асоратларнинг сабаби: ичакнинг тулиқ булмаган мобилизацияси, морфологик нуқсонли ичакнинг туширилиши ва операциян яра четларининг зарарланиши бўлиши мумкин.

Учинчи кичик бобда 37 боладаги ичакнинг атрезиясида дистал сегментларининг морфологик манзараси таҳлил қилинди. Атрезияда ичак "конуси"нинг тузилиши, оқма ва пешоб йўли билан боғланган, ҳамда эркин осилиб турган ичак чултоғининг деворлари тузилиши ўрганилди. Морфологик таҳлил шуни кўрсатдики, атрезияланган туғри ичак девори ва оқмани дистал қисмларининг тузилиши чуқурроқ мобилизация зарурлигини белгилайди (камида 3-4 см.) ва туғри ичакни янги ҳосил бўлган анусдан нуқсонли ичак деворларини чегарасидан ташқарига чиқаришни асослайди. Бу операциядан кейинги анал инконтиненция ва неоанус торайиш куринишдаги асоратларни олдини олишни, ичакнинг адекват ишлайдиган дистал сегментини яратиш имконини беради. (1-расмга қаранг).



**Расм-1. Ректовестибуляр оқмада ичак "конуси"нинг морфологик тузилиши.  
(Бемор С.Д. 8 ой к/т № 328/456)**

**Кизил стрелка** – Оқма жойида жиддий қон тўлиқлиги аниқланади, бўйлама ва думалоқ мушак қатламлари орасидаги веноз ва артериал турғунлик билан тавсифланади.

**Яшил стрелка** - Оқма йулидан 3 см. юқурироқ мушак девори ва йўгон ичакнинг дистал қисмларида ўзгаришлар камроқ аниқланди (нормал ҳолатга яқинроқ).  
Гематоксилин-эозин билан бўйаш. (Катталаштириш 120x80.)

